

## AKSIYADORLARNING NAVBATDAN TASHQARI UMUMIY YIG'ILISHI 01/2024 - SONLI BAYONNOMASI

**Манзил:** "Ўзсаноатқурилишбанк"  
АТБ биноси, Тошкент ш., Шаҳрисабз  
кўчаси, 3-уй.

2024 йил 26 январ  
**Иш вақти:** 11.00-14.00

Банк Кенгаши томонидан 2023 йил 25 декабря Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлари ҳамда "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ уставига биноан, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати <http://evote.uz/> орқали ўтказиш тўғрисида 2023/38-сонли қарори қабул қилинган.

2023 йил 29 декабр ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан банк акциядорларига умумий йиғилиш ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисида хабар "Тошкент" РФБ, Корпоратив ахборот ягона портали, банкнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган ҳамда акциядорларнинг электрон почта манзилига юборилган. Шу билан бирга мазкур хабар "Халқ сўзи" республика нашрининг 2023 йил 28 декабрдаги 278 (8621)-сонида, "Народное слово" республика нашрининг 2023 йил 28 декабрдаги 275 (8576)-сонида ҳамда "Биржа" иқтисодий газетасининг 2023 йил 28 декабрдаги 103-104(3090-3091)-сонида чоп этилган.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 61-моддаси ҳамда Банк Кенгашининг қарорига биноан, умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2024 йил 23 январ деб белгиланди. Йиғилишда мазкур санага шакллантирилган акциядорлар реестрида амалдаги қонунчиликка асосан фақат оддий акция эгалари овоз бериш хуқуқига эга.

2024 йил 23 январ ҳолатига Банк устав капитали 4 628 941 927 804 (*тўрт триллион олти юз йигирма саккиз миллиард тўққиз юз қирқ бир миллион тўққиз юз йигирма етти минг саккиз юз тўрт*) сўмни ташкил қиласи ва у қуидаги акцияларга бўлинган:

- умумий қиймати 4 621 911 927 804 (*тўрт триллион олти юз йигирма бир миллион тўққиз юз ўн бир миллион тўққиз юз йигирма етти минг саккиз юз тўрт*) сўм бўлган номинал қиймати 19 (*ўн тўққиз*) сўмлик

243 258 522 516 (икки юз қирқұ уч миллиард икки юз әллик саккиз миллион беш юз йигирма икки минг беш юз ўн олти) дона эгасининг номи ёзилган оддий акция;

- умумий қиймати 7 030 000 000 (етти миллиард ўттисиз миллион) сүм бўлган номинал қиймати 19 (ўн тўққиз) сўмлик 370.000.000 (уч юз етмиси миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция.

Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (*кворум мавжудлиги*) бўйича маълумот <https://evote.uz> платформасидан олинди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2024 йил 23 январ ҳолатига акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 243 258 522 516 (икки юз қирқұ уч миллиард икки юз әллик саккиз миллион беш юз йигирма икки минг беш юз ўн олти) дона оддий акция эгаси бўлган 7 993 нафар (етти минг тўққиз юз тўқсон уч) акциядор киритилган.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари “eVOTE” – Электрон овоз бериш хизмати томонидан тасдиқланди ва <https://evote.uz> платформасидан олинган маълумотга кўра, йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 233 069 895 450 (икки юз ўттисиз уч миллиард олтмиши тўққиз миллион саккиз юз тўқсон беш минг тўрт юз әллик) дона ёки 95,81% фоизига эгалик қилувчи 1 (*бир*) нафар акциядор Иқтисодиёт ва молия вазирлиги вакили электрон рўйхатдан ўтганлиги ва банк акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ваколатли эканлиги, маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва Тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-283-сонли қарорига асосан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси устав капиталидаги ўзига тегишли одий овоз берувчи акция пакетлари (200 240 766 051 дона ёки 82,31% фоизи) бўйича акциядор ваколатларини амалга ошириш ва бошқариш функцияларини ишончнома асосида чекланмаган муддатга Иқтисодиёт ва молия вазирлигига берилган (*Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлигига 2023 йил 24 августдаги ОЮ-07/08-738-сонли ишончнома*).

<https://evote.uz> платформасидан олинган маълумотлар илова қилинади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўtkазиш учун Банк Кенгаши раиси ўринбосари – У.Мухтаров йиғилиш раиси этиб сайланди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Ишчи аъзолари куйидаги таркибда тузилди:

Йиғилиши ҳайъати: У.Мухтаров (йиғилишга раислик килувчи), А.Акбаржонов.

Саноқ комиссияси: Д.Абдукадиров, Х.Умаров, З.Баймурадова.

Йиғилиши котибияти: Х.Сатторов.

Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартибига куйидаги масалалар киритилган:

1. “Банк Кенгashi 2 нафар аъзосининг ваколатини муддатидан аввал тугатиш тўғрисида.

2. Банк Кенгashiда вакант бўлган ўринларга янги аъзоларни сайлаш тўғрисида.

3. 2023 йил 27 июндаги Банк акциядорлари йиллик Умумий йиғилишининг 01/2023-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноаткурилишбанк” АТБ уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги биринчи масала.** 2022 йил 24 июнда бўлиб ўтган Банк акциядорлари навбатдаги йиллик умумий йиғилишида 3 йил муддатга банк Кенгashига сайланган 2 нафар аъзоси Воитов Азиз Ботировичнинг ва Султанов Дилшод Шухратовичнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг (Йирик акционер) 2023 йил 4 декабрдаги 07/29-1-8230-сонли хати билан берилган таклифи банк Кенгashi томонидан ўрнатилган тартибда 2023 йил 25 декабрдаги мажлисида кўриб чиқилди ва банк Кенгашининг 2023/38-сонли қарори билан маъқулланди.

Ушбу таклифни акциядорлар муҳокама қилиб, уни тасдиқлаш тўғрисида қарор чиқаришлари учун <https://evote.uz> платформасида ҳамда банкнинг расмий сайтида жойлаштирилди. Банк Кенгашининг аъзолари Воитов Азиз Ботировичнинг ва Султанов Дилшод Шухратовичнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги таклифи “eVOTE” – Электрон овоз бериш хизмати орқали овозга қўйилди.

**Кун тартибидаги иккинчи масала.** Банк Кенгashi таркибидаги вакант бўлган 1 ўрин ва 2 нафар Кенгаш аъзоларининг ваколати муддатидан аввал тутатилган ўринларга (жами 3 ўрин) сайлаш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 4 декабрдаги 07/29-1-8230-сонли хати билан киритилган Кенгашга сайлаш учун номзодлар бўйича таклифи ўрнатилган тартибда 2023 йил 25 декабрдаги банк Кенгашининг 2023/38-сонли қарори билан кўриб чиқилди.

Ушбу таклифни банк акциядорлари мухокама қилиб, уларни сайлаш тўғрисида қарор чиқаришлари учун <https://evote.uz> платформасида ҳамда банкнинг расмий сайтида куйидаги номзодлар тўғрисида шахсий маълумот ошкор этилди:

- 1. Исаков Одилбек Рустамович**, Infrasia Capital (Лондон, Буюк Британия) компаниянинг тасисчилардан бири.
- 2. Атаджанов Муродбек Бекберганович**, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Фазначилик қўмитаси раиси.
- 3. Георгий Чиладзе**, Digital Area компаниянинг (*Тбилиси, Грузия*) Кузатув кенгаши раиси.

Кенгаш таркибидаги вакант бўлган ўринларга сайлаш учун акциядорлар томонидан тавсия этилган номзодларнинг шахсий маълумотлари билан қисқача таништириб ўтилди. Шу билан бирга Банк Кенгашига таклиф этилган номзодлардан кумулятив тарзда энг кўп овозга эга бўлган З та номзод сайланиши тўғрисида тушунтириш берилди ва Кенгаш аъзоларни сайлаш масаласи “eVOTE” – Электрон овоз бериш хизмати орқали овозга қўйилди.

**Кун тартибидаги учинчи масала.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2024-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ПҚ-422-сон қарорининг 18-бандига мувофиқ, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, жумладан тижорат банкларининг (*маҳаллий ҳокимият органлари муассислигидаги жамиятлардан ташқари*) ижроия органига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори микдорини белгилаш ҳамда жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, шунингдек, уларга ўзгартириш киритиш бўйича масалаларни кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг акциядорлар умумий йиғилишига киритиш тартибини жорий этиш белгиланган”.

Шу муносабат билан, ушбу тартибни бир ой муддатда давлат мулкида бўлган хўжалик жамиятлари, жумладан тижорат банкларининг уставига киритиш чораларини кўриш топширилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (59 модда) Ўзбекистон Республикаси қонуни талабига асосан жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган.

Шунингдек, “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасида Давлат активларни бошқариш агентлиги давлат мулкини бошқариш соҳасида ваколатли давлат органи ҳисобланиши ва ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириши белгиланган.

Баён этилганларни инобатга олиб, ҳамда қонунчиликда юз берган ўзгартиришларни банк Уставида акс эттириш мақсадида, тақдим этилган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар (*1-иловада*) банк акциядорлари танишиб чиқиши, муҳокама қилиши ва тасдиқлаш тўғрисида қарор чиқаришлари учун <https://evote.uz> платформасида жойлаштирилган бўлиб, акциядорлар умумий йиғилишида “eVOTE” – Электрон овоз бериш хизмати орқали овозга қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 59-моддасига асосан кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш натижалари ва овоз бериш якунларини хисобга олган ҳолда Банк акциядорларининг умумий йиғилиши

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

**1.** Банк Кенгashi Раиси Воитов Азиз Ботировичнинг ва Кенгаш аъзоси Султанов Дилшод Шухратовичнинг ваколатлари муддатидан олдин, яъни 2024 йил 26 январдан тугатилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 233 069 895 450 овоз  
“ёқлайман” – 233 069 895 450 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

**2.** Кумулятив овоз бериш натижаларига кўра, Банк Кенгashi аъзолари этиб қўйидагилар сайлансин:

т/р	Сайланувчининг фамилияси, исми ва шарифи. Эгаллаб турган лавозими	Тўпланган овозлар сони
1.	Исаков Одилбек Рустамович, мустақил аъзо <i>Infrasia Capital</i> компаниянинг тасисчилардан бири (Лондон, Буюк Британия).	233 069 895 450
2.	Атаджанов Муродбек Бекберганович, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги вақили Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Газначилик қўмитаси раиси.	233 069 895 450
3.	Георгий Чиладзе, мустақил аъзо <i>Digital Area</i> , Тбилиси, Грузия, Кузатув кенгashi раиси.	233 069 895 450

**3.** 2023 йил 27 июндаги Банк акциядорлари йиллик  
Умумий йиғилишининг 01/2023-сонли қарори билан тасдиқланган

**3.1.** Банк Кенгаши ва Башқарувига ушбу Баённома қарорига асосан банк  
фаолиятига таълуқли ички меъёрий хужжатларга тегишли ўзгартиришлар  
киритиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш вазифаси юклатилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 233 069 895 450 овоз

“ёқлайман” – 233 069 895 450 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ**

Акциядорлари умумий йиғилиши раиси:

У. Мухтаров

Акциядорлар умумий йиғилиши котиби

Х. Саттаров

Корпоратив маслаҳатчи

К. Алимов

Саноқ комиссияси

Д.Абдуқадиров

Протокол расмийлаштириш санаси “29” январ 2024 йил.